



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 20 yil « 26 » сентябрь

№ 590

Toshkent sh.

Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 июндаги ПҚ–4759-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Ушбу қарор 2021 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Норқобилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 26 сентябрдаги **590**-сон қарорига
илова

**Вазирлар Маҳкамасининг
“Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни
тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш
тўғрисида” 2020 йил 12 майдаги 280-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“2021 – 2023 йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга сотилган “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 3а-иловага мувофиқ”;

бешинчи–саккизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи–тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 3а-илова қўшилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 15 майдаги 280-сон қарорига
3а–илова

**2021 – 2023 йилларда чорвачилик маҳсулотлари
етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишга
ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга сотилган “меринос”
зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун
субсидия бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом 2021 – 2023 йилларда чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар томонидан парвариш қилинаётган “меринос” зотли қўй ҳамда “ангор” зотли эчкилардан қирқиб олиниб, қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда – хунармандлар ва ташкилотлар) сотилган жун учун субсидия бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

субсидия – чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар томонидан “меринос” зотли қўй ҳамда “ангор” зотли эчкилар етиштириш

учун сарфланган харажатлар ўрнини қисман қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган пул маблағи;

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик – “меринос” зотли қўй ҳамда “ангор” зотли эчкиларни парвариш қилиш, такрор кўпайтириш ҳамда жун етиштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар;

субсидия олувчилар – ушбу Низом билан белгиланган тартибда “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларни парвариш қилиб, қирқиб олинган жунни ҳунармандлар ва ташкилотларга сотадиган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар.

3. Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга “меринос” зотли қўй ҳамда “ангор” зотли эчкилардан қирқиб олиниб, ҳунармандлар ва ташкилотларга сотилган ҳар бир килограмм жун учун давлат томонидан икки минг сўмдан субсидия ажратилади.

2-боб. Субсидия олувчилар рўйхатини шакллантириш тартиби

4. Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари (кейинги ўринларда – туман комиссияси) календарь йилнинг 1 майига қадар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича келгуси йил учун субсидия олувчилар рўйхатини шакллантиради ҳамда тасдиқлаган ҳолда Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссияларига (кейинги ўринларда — вилоят комиссияси) киритади.

5. Вилоят комиссияси календарь йилнинг 5 майига қадар субсидия олувчилар рўйхатини умумлаштириб, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) тақдим этади.

6. Агентлик вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхатни беш иш кунига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агентлик томонидан тақдим этилган рўйхатни уч иш кунига белгиланган тартибда кўриб чиқиб тасдиқлайди ҳамда ижро учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига юборади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб субсидия олувчиларга субсидия ажратиш учун зарур маблағларни ҳисобга олади.

9. Агентлик субсидия ажратиш бўйича туман комиссияси томонидан шакллантирилган рўйхатга йил давомида ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши мумкин.

3-боб. Субсидия ажратиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш тартиби

10. Субсидия олувчи “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчки жунини ҳунармандлар ва ташкилотларга сотгандан сўнг туман комиссиясига субсидия олиш учун ариза билан мурожаат қилади. Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

“меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчки жунини сотишда тўлдирилган олди-сотди шартнома, ҳисобварақ-фактура рақами ва тўлов топшириқномаси нусхаси;

“меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчки жуни сотилган ҳунарманд ёки ташкилот номи ҳамда унинг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами (СТИР);

субсидия олувчининг тижорат банки ва ундаги ҳисобварағи бўйича маълумотлар.

Тақдим этилган ариза туман комиссияси котиби томонидан қабул қилинади ҳамда қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда ариза нусхаси субсидия олувчига қайтарилади. Субсидия олувчиларнинг аризалари тикилган ва муҳрланган журналга туман комиссияси котиби томонидан қайд этилади ва янгиланиб борилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва ҳаққонийлиги учун субсидия олувчилар жавобгар ҳисобланади.

11. Субсидия олувчининг аризаси туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Туман комиссияси ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида уч нусхада хулоса қабул қилади ва шу куннинг ўзида ўз хулосаси ҳақида субсидия олувчини хабардор қилади.

Агар субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинган тақдирда, субсидия олувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, субсидия олиш учун туман комиссиясига ариза билан қайта мурожаат қилса, аризалар туман комиссияси томонидан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Субсидия ажратиш ва ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда, хулосанинг биринчи нусхаси мурожаат эгасида ва иккинчи нусхаси туман комиссиясида сақланади.

12. Туман комиссияси субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани бир иш кунида вилоят комиссиясига юборади.

13. Вилоят комиссияси туман комиссияси томонидан тақдим этилган субсидия олувчининг ҳужжатларини кўриб чиқади ва субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги ҳулосани икки иш кунида Агентликка юборади.

14. Субсидия олувчининг аризасини кўриб чиқиш учун тўлов ундирилмайди.

15. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

жун сотилгандаги электрон ҳисобварақ-фактура кўрсатилмаса ёки кўрсатилган рақамнинг ҳаққонийлиги тасдиқланмаса;

жунни сотиб олган субъект қўлда гилам тўқиш фаолияти билан шуғулланмаса;

ариза тақдим этган субъектда “меринос” зотли қўй ёки “ангор” зотли эчки мавжуд бўлмаса.

Ушбу бандда қайд этилганидан ташқари бошқа ҳолатларда субсидия олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Субсидия олувчи субсидия ажратилишини рад этиш тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

17. Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан ҳунармандлар ва ташкилотларга сотилган “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жунини учун субсидия бериш ушбу Низомга 5-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Субсидияни ажратиш тартиби

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг субсидия ажратиш учун зарур маблағларни белгиланган тартибда Агентликка ўтказиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳисоби Агентликда очиладиган махсус шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

19. Агентлик вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва икки иш кунида субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига субсидия маблағларини ўтказиб беради.

Бунда молия йили якуни бўйича Агентликнинг шахсий ғазна ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

20. Субсидия бериш бўйича юзага келадиган келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, суд тартибида ҳал қилинади.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ажратилган субсидиялар мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

2021-2023 йилларда чорвачилик
маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга
улар томонидан қўлда гилам тўқишга
ихтисослашган ҳунармандлар
ва ташкилотларга сотилган “меринос”
зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг
жуни учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

“Тасдиқлайман”
_____ туман (шаҳар) комиссияси
раиси _____
(Ф.И.О.)
20__ й “_____” _____

_____ туманида (шаҳрида) 20__ йилда “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия бериш
прогнози

Т/р	“Меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларни етиштирувчи хўжаликлар номи	“Меринос” зотли қўйлар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	“Ангор” зотли эчкилар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	Қўлда гилам тўқишга ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга сотиладиган жун (кг)	Субсидия бериш прогнози (минг сўм)
1.							
2.							
Туман (шаҳар) бўйича жами:							

T/р	“Меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларни етиштирувчи хўжаликлар номи	“Меринос” зотли қўйлар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	“Ангор” зотли эчкилар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	Қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунарымандлар ва ташкилотларга сотиладиган жун (кг)	Субсидия бериш прогнози (минг сўм)
_____ тумани (шаҳри)							
1.							
2.							
Туман (шаҳар) бўйича жами:							
_____ тумани (шаҳри)							
1.							
2.							
Туман (шаҳар) бўйича жами:							
_____ вилояти							
Вилоят бўйича жами:							

2021-2023 йилларда чорвачилик
маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга
улар томонидан қўлда гилам тўқишга
ихтисослашган хунармандлар
ва ташкилотларга сотилган “меринос”
зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг
жуни учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

“Тасдиқлайман”
“Ўзбекчорванасл” агентлиги бош директори

(Ф.И.О.)
20__ й “____” _____

Республикада 20__ йилда “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия бериш прогнози

T/p	“Меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларни етиштирувчи хўжаликлар номи	“Меринос” зотли қўйлар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	“Ангор” зотли эчкилар бош сони (бош)	Қириб олинадиган жун (кг)	Қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга сотиладиган жун (кг)	Субсидия бериш прогнози (минг сўм)
_____ ВИЛОЯТИ							
1.							
2.							
Вилоят бўйича жами:							
_____ ВИЛОЯТИ							
1.							
2.							
Вилоят бўйича жами:							
Республика бўйича жами:							

2021-2023 йилларда чорвачилик
маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга
улар томонидан қўлда гилам тўқишга
ихтисослашган хунармандлар
ва ташкилотларга сотилган “меринос”
зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг
жуни учун субсидия ажратиш тартиби
тўғрисидаги низомга

4-илова

“Тасдиқлайман”

_____ туман (шаҳар) комиссияси
раиси _____

(Ф.И.О.)

20__ й “____” _____

ХУЛОСА

_____ вилояти _____ тумани (шаҳри)даги субсидия олишга талабгор _____ нинг 20__ йил _____ даги мурожаати
ва тақдим этилган ҳужжатлар туман (шаҳар) комиссияси томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди:

Т/р	“Меринос” зотли қўй ва “Ангор” зотли эчкиларни етиштирувчи хўжаликлар номи	“Меринос” зотли қўйлар бош сони (бош)	Қириб олинган жун (кг)	“Ангор” зотли эчкилар бош сони (бош)	Қириб олинган жун (кг)	Қўлда гилам тўқишга ихтисослашган хунармандлар ва ташкилотларга сотилган жун (кг)	Субсидия бериш прогнози (минг сўм)
1.							
2.							
Туман (шаҳар) бўйича жами:							

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

_____ вилояти _____ тумани (шаҳри)даги _____ (ташкилот номи) _____ га жами _____ минг сўм миқдорида субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилди.*

_____ вилояти _____ тумани (шаҳри)даги _____ (ташкилот номи) _____ га қуйидагиларга, жумладан _____ га асосан субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.**

**) Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, мақсадга мувофиқ эмас деб топилгандаги хатбоши чиқариб ташланади.*

***) Субсидия ажратиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, мақсадга мувофиқ деб топилгандаги хатбоши чиқариб ташланади ва мақсадга мувофиқ эмас деб топилгандаги хатбошида мазкур Низомга мувофиқ рад этиш сабаблари тўлиқ кўрсатилади.*

Комиссия аъзолари:

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи
Туман давлат солиқ инспекцияси вакили
Туман статистика бўлими вакили
Туман молия бўлими мудир
Туман агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси
Худудий “Чорванасл” маркази туман вакили

Имзо/муҳр
Имзо/муҳр
Имзо/муҳр
Имзо/муҳр
Имзо/муҳр
Имзо/муҳр
Имзо/муҳр

Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.

2021 – 2023 йилларда чорвачилик маҳсулотлари
етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан ҳунармандлар
ва ташкилотларга сотилган “меринос” зотли қўй ва “ангор”
зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-илова

**Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан ҳунармандлар ва ташкилотларга
сотилган “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
I. Субсидия ажратиш прогноз параметрларини шакллантириш схемаси			
I босқич	Туман комиссияси <i>(Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари)</i>	Субсидия оловчилар рўйхати шакллантирилади ва тасдиқланган ҳолда вилоят комиссиясига тақдим этилади.	Календарь йилининг 1 майга қадар
II босқич	Вилоят комиссияси <i>(Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш фаолиятини самарали таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссиялари)</i>	Туман комиссияси томонидан тақдим этилган субсидия оловчилар рўйхати умумлаштирилиб “Ўзбекчорванасл” агентлигига тақдим этилади.	Календарь йилининг 5 майга қадар
III босқич	“Ўзбекчорванасл” агентлиги	Вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган рўйхат умумлаштирилиб Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.	Беш иш кунда
IV босқич	Вазирлар Маҳкамаси	“Ўзбекчорванасл” агентлик томонидан тақдим этилган рўйхат кўриб чиқилади, тасдиқланади ва ижро учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлигига юборилади.	Уч иш кунда
V босқич	Молия вазирлиги	Субсидия ажратиш учун зарур маблағлар белгиланган тартибда “Ўзбекчорванасл” агентлигига ўтказиб берилади.	Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқлангандан сўнг

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
II. Субсидия олувчиларга субсидия ажратиш схемаси			
I босқич	Субсидия олувчи	“Меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчки жунини ҳунармандлар ва ташкилотларга сотгандан сўнг туман комиссиясига субсидия олиш учун ариза билан мурожаат қилади.	“Меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчки жунини ҳунармандлар ва ташкилотларга сотганда
II босқич	Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириши фаолиятини самарали таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари)	Субсидия олувчи томонидан берилган ариза қўриб чиқилади ва белгиланган шаклда уч нусхада субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса қабул қилинади.	Уч иш кунида
III босқич	Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириши фаолиятини самарали таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари)	Туман комиссияси томонидан субсидия ажратиш тўғрисида хулоса қабул қилинганда субсидия олувчини қабул қилинган хулоса тўғрисида хабардор қилади.	Хулоса қабул қилинган кунда
IV босқич	Туман комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириши фаолиятини самарали таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) комиссиялари)	Субсидия олувчилар томонидан тақдим этилган ариза нусхаси, унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия ажратиш тўғрисида қабул қилинган хулоса вилоят комиссиясига тақдим этилади.	Бир иш кунида
V босқич	Вилоят комиссияси (Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириши фаолиятини самарали таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар комиссиялари)	Субсидия олувчи томонидан тақдим этилган ариза нусхасини унга илова қилинган ҳужжатлар ва субсидия бериш тўғрисидаги хулосани икки иш кунида “Ўзбекчорванасл” агентлигига юборади.	Икки иш кунида
VI босқич	“Ўзбекчорванасл” агентлиги	Вилоят комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қўриб чиқилади ва субсидия маблағлари субсидия олувчиларнинг тижорат банкларидаги асосий ҳисобварақларига ўтказиб берилади.	Икки иш кунида

